

Рўзанинг умумий таснифи

05:00 / 13.01.2017 4293

Рўза қачон фарз қилинган?

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадинага ҳижрат қилганларидан бир ярим йил ўтиб, ҳижрий иккинчи йилда Шаъбон ойида фарз қилинган.

Рўзанинг таърифи.

Рўза соғлом ва қодир кишининг ният билан субҳи содиқдан шомгача еб-ичиш, жинсий алоқа ва рўзани очувчи бошқа нарсалардан тийилишидир.

Рамазон ойида рўза тутиш Ислоннинг беш асосий рукнларидан бири бўлиб, у Қуръон, суннат ва ижмоъ билан собит бўлган.

Рамазон рўзаси кимларга фарз?

Рамазон рўзаси фарз бўлиши учун банда мусулмон, ақлли ва балоғатга етган бўлиши керак. Ушбу тоифадагилар Рамазон ойи кириши билан рўза тутишлари ёки мазкур ойда бирон узрлари бўлса, кейин қазосини ўташлари керак бўлади.

Рамазон рўзасининг шартлари.

Янги ойни кўриб рўза тутиш ва рўза тутишни ният қилиш.

Рўзанинг вожиб бўлиш шартлари.

Рўза тутишга тўсқинлик қиладиган оғир касаллиги бўлмаслик, аёлларнинг ҳайз ва нифосдан пок бўлишлари ва муқим бўлиш рўза тутишни вожиб қилади.

Рўза тутишнинг тўғри бўлиш шартлари.

Рўза тутишни ният қилиш, рўзани бузадиган амаллардан узоқ бўлиш ва аёлларнинг ҳайз ва нифосдан пок бўлишлари рўзанинг тўғри бажарилиш шартлари саналади.

Рўзанинг рукни.

Рўза тутган одам қорин ва жинсий аъзолар майлини қайтариши ва рўзани очувчи бошқа ишлардан тийилиши шарт. Шундагина у рўза тутган саналади. Акс ҳолда унинг рўзаси тўғри бўлмайди.

Рўзанинг одоблари.

Рамазон ойида ношаръий ишлардан тийилиш, асосан тилни кераксиз сўзлар, ғийбат ва тухматдан сақалаш, кўзни номаҳрамларга қараш ва қўлни зулмдан тийиш, яхши хулқли, меҳр-шафқатли ва карамли-сахий бўлиш рўзанинг одобларидандир.

Рўзанинг фойдалари.

Рўзанинг ухровий – руҳий фойдалари.

- рўза бандада тақводорлик ҳиссини оширади;
- рўза тутган банда ўзи тўқ бўлса-да, оч-наҳор юрган бева-бечоралар ҳолини ўз танасидан ўтказди ва уларга нисбатан раҳмдил бўлади;
- рўза шаҳватларни тийишга, инсонга тартибли бўлишга ўргатади ва ҳоказо;

Рўзанинг дунёвий – тиббий фойдалари.

- рўза банданинг соғлиғига ижобий таъсир кўрсатади, унинг иммунитетини оширади;
- рўза тутган банданинг баданидан кераксиз моддалар, жумладан, ёғлар, туз ва бошқа нарсалар чиқиб кетади.
- олимлар рўзанинг инсон саломатлигига таъсирини ўрганиб, ажойиб илмий янгиликларни эълон қилдилар. Улар ҳатто саратон касаллигига ҳам рўза орқали шифо топиш мумкинлигини исботладилар.

Рўза тутиш натижаси.

Рамазон рўзасини тутган банда бўйнидаги фарзи айни бажарган бўлади ва охиратда Аллоҳ томонидан улуғ мукофот ва ваъда қилинган неъматларга эришади.

Рўза турлари

Рўза тўрт хил бўлади. Булар: фарз рўза, вожиб рўза, нафл рўза ва макрух рўза.

1. Фарз рўза.

Рамазон рўзасини ўз вақтида тутиш ёки бирон сабаб билан ўша ойда тута олмаса, унинг қазосини ўташ, каффорат ва назр рўзалар фарз рўза турига киради.

Қазо рўза Рамазон ойида бирон сабаб – узр билан рўза тута олмаганлар бошқа кунларда рўза тутишларидир. Аллоҳ таоло Бақара сурасида рўза оятида бандалар ичида ким касал ёки мусофир бўлса, рўзани бошқа кунларда тутиши жоизлигини баён қилган.

Банда қуйидаги ҳолатларда каффорат рўза тутади:

1. Рамазон рўзасини билиб туриб бузганда. (Масалан, банда рўзадор, рўзани шомгача давом эттиришга қодир. Аммо у ўз хоҳиши билан рўзадорлигини билиб туриб бирон нарса еса, ичса ёки хотини билан жинсий алоқа қилса, унга каффорат вожиб бўлади);

2. Одам ўлдирганда;

3. Зиҳор қилганда, яъни киши ўз хотинини ёки унинг бир аъзосини онасига ёки онасининг ўша аъзосига ўхшатганда.

Бу уч ҳолат учун икки ой орасини узмасдан рўза тутиш лозим бўлади.

Қасамни бузгани учун уч кун, ҳажда эҳромда бўлиб, ов қилса, ҳайвон турига қараб турли миқдорда рўза тутади.

Каффорат билан қазо рўза орасидаги фарқ шундаки, қазо рўзада банда Рамазон ойида узрли бўлиб, кейин тузалгач, бир кун ўрнига бир кун рўза тутади. Каффорат рўзада эса банда рўзани қасддан бузади ва Рамазондан кейин бир кун учун олтмиш кун пайдар-пай рўза тутади.

Аллоҳга қурбат ҳосил қилиш мақсадида банда ўзига-ўзи вожиб қиладиган рўза назр рўзадир. Шунингдек, банда “фалон иш содир бўлса” ёки “касалликдан тузалиб кетсам, Аллоҳ учун рўза тутаман”, деб назр қилса ва ният қилган иши амалга ошса ёки тузалиб кетса, назр қилган рўзасини тутиши фарз бўлади.

Аслида ҳар куни рўза тутиш жоиз эмас. Лекин ким умр бўйи рўза тутишни назр қилиб, кейин назрини бажаролмаса, рўза тутиш ўрнига фидя беради. Агар фидяга қодир бўлмаса, истиффор айтади.

2. Вожиб рўза.

Нафл рўза нияти билан тутилган ва соҳибининг ихтиёри билан бузилган рўзанинг қазосини тутиш вожибдир. Нафл рўза тутган одам ўз нафсига ўзи эгалик қилади, унинг ихтиёри ўзида. Лозим бўлган ҳолларда у рўзасини очиши мумкин. Лекин бунда унинг қазосини ҳам тутишни ёддан чиқармаслик керак.

3. Нафл рўза.

Банда Аллоҳга қурбат ҳосил қилиш учун тутадиган, бироқ фарз ёки вожиб бўлмаган рўза нафл рўза саналади. Қуйидаги ҳолатларда рўза тутиш нафл саналади:

– Муҳаррам ойининг тўққизинчи ва ўнинчи ёки ўнинчи ва ўн биринчи кунлари;

– Ҳижрий ойнинг 13, 14 ва 15-кунлари;

– Ҳафтанинг душанба ва пайшанба кунлари;

– Шаввол ойида олти кун рўза тутиш;

– Ҳожилардан бошқалар учун Арафа куни рўза тутиш;

– Шаъбон ойида рўза тутиш;

– Яна ҳадиси шарифларда айтилган, номи ва вақти маълум бўлмаган, макруҳ саналмаган рўзалар нафл ҳисобланади. Масалан, Довуд алайҳис салом рўзаси энг афзал рўзалардандир. У киши кунора рўза тутардилар.

Нафл рўза тутган одам бирон узр билан ёки узрсиз бўлса ҳам рўзасини очиб юбориши мумкин. Фақат ўша очиб юборилган рўзанинг қазосини тутиб бериш вожиб бўлади.

4. Макруҳ рўза.

Макруҳ рўза танзиҳий ва таҳримий макруҳ рўзаларга бўлинади. Муҳаррам ойининг тўққизинчи ёки ўн биринчи кунларини қўшмасдан, фақат ўнинчи куни рўза тутиш таҳримий макруҳдир. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва

саллам бу ишдан қайтарганлар. Яҳудийлар Муҳаррам ойининг ўнинчи куни рўза тутишларидан хабар топганларида, келаси йили тўққизинчи куни ҳам тутамиз, деб ният қилганлар. Аммо у зотга бу ишни қилиш насиб этмаган. Бироқ шундай бўлса-да, у зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам сўзлари ва ниятлари шаръий қонундир. Шунингдек, икки кун кетма-кет улаб рўза тутиш, йил бўйи рўза тутиш ҳам танзиҳий макруҳдир.

Қуйидаги ҳолатларда рўза тутиш таҳримий макруҳ саналади:

1. Рамазон ва Қурбон ҳайити кунлари;
2. Ташриқ кунлари;
3. Шак кунлари;
4. Эри ёнида (муқим) бўлган хотиннинг эридан рухсатсиз рўза тутиши;
5. Ҳайз ва нифосли аёлнинг рўза тутиши;
6. Фақат жума ва шанба кунларини хослаб рўза тутиш.
7. Рўза тутса, ҳалок бўлиши ёки соғлиғига катта зарар етишини билиб туриб рўза тутиш.

Икки ҳайит ва ташриқ кунлари нафл нияти билан рўза тутган одам, рўзани бузса, унга қазо тутиш вожиб бўлмайди. Сабаби бу кунларда рўза тутиш мумкин эмас.

**Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани бош
имом хатиби Одилхон қори Исмоилов**